

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«АВТОМАТЛАШТИРИШ, БОШҚАРУВ ВА МАТБАА» ФАКУЛЬТЕТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» кафедраси

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ»

Кафедра мудири проф.

_____ З.Н. Қурбонов

« ____ » _____ 2014 й.

**Пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳисоби ва таҳлили
(“Қорасу пахта тозалаш корхонаси” ОАЖ мисолида)
мавзуси бўйича ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

т.ф.н., доц. Мажидов А.А.

Бажарди: «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
таълим йўналиши битирувчи

Таджибаева Д.А.

« ____ » _____ 2014 й.

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди. _____ сонли
баённомаси « ____ » _____ 2014 йил.

Мундарижа:

Кириш	3
1-БОБ. Пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳисоби ва таҳлилининг назарий асослари	9
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш шароитида корхоналарнинг тутган ўрни.....	9
1.2. Пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари.....	12
1.3. Пахта тозалаш корхоналарида материалларни таҳлил қилишнинг назарий асослари.....	17
2-БОБ. “Қорасу пахта тозалаш корхонаси” ОАЖ да материаллар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш	23
2.1. Корхонада материаллар ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва унинг синтетик ҳисобини юритиш.....	23
2.2. Корхонада материаллар киримини бухгалтерияда ҳисобга олиш ва омборларда сақлаш ҳисоби.....	30
2.3 Корхонада материалларни инвентаризация қилиш ва натижаларни қайд қилиш ҳисоби.....	35
3-БОБ. “Қорасу пахта тозалаш корхонаси” ОАЖ нинг материаллар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили	40
3.1. Корхонада материаллар қайтимининг омилли таҳлили.....	40
3.2. Корхонада материаллар сиғимининг омилли таҳлили.....	43
3.3. Корхонада материаллар ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг таҳлили.....	50
4-БОБ. Экологик қисм	53
4.1. “Қорасу пахта тозалаш корхонаси” ОАЖ да экологик таҳлил.....	53
Хулоса ва таклифлар.....	58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	60
Иловалар.....	62

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларни ислоҳ қилишда узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш мамлакатнинг барча соҳалардаги ривожланишининг барқарор юқори суръатлари таъминланиб келинмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб берувчи «Ўзбек модули»нинг самараси каттадир. Мазкур моделнинг мазмун моҳияти Президентимиз томонидан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да қуйидагича таърифланган: «Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга тадбиқ этаётган ушбу моделнинг мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма – босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир».^[9]

Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатини ва макраиқтисодий мувозанатини таъминлаш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш ва диверсификация қилишга, шунингдек, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, миллий ва жаҳон бозорида талабгир рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва самарадорликни оширишга замин яратмоқда.

«Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама

ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Бунинг яққол тасдиғи – мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 1990 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил этгани, айти пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 34 фоиздан 17 фоизга камайганидир.»^[10]

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йил якунлари бўйича 8,8 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизни ташкил этди, қурилиш ишлари ҳажми 16,6 оизга, хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, чакана товар айланмаси 14,8 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Республикаимизни етакчи тармоқларидан ҳисобланган пахта тозалаш саноатида 2007 – 2011 йиллар мобайнида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳалари каби бухгалтерия ҳисобида ҳам туб ўзгартиришлар амалга оширилди. Бухгалтурия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатларни қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш мақсадида 1996 йил 30 августда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди.^[2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда «Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият

турларини ва руҳсат бериш тартиб – таомилларини тубдан қисқартириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4453 сонли фармониға биноан, бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларға мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудға келтириш мақсадида қонунда белгиланган иловаларға мувофиқ давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бир-бирини такрорловчи шаклларни бирлаштириш эвазига ана шундай ҳисоботлар миқдорини, шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлигини белгиланган муддатларда қисқартирилди.^[5]

Корхоналар фаолиятини ўрганишда молиявий маълумотларнинг умумлаштирилиши натижасида тузилган ва ҳамкорликда ишловчилар ўртасида бир-бирини ўрганиш воситаси бўлиб ҳисобланадиган бухгалтерия ҳисоботи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Улар молиявий ҳолатларға алоқадор бўлмасида, биринчи гуруҳ талабгорларининг манфаатини ҳимоялаш мақсадида ҳисобот маълумотларини ўрганадилар.

Молиявий маълумотлардан фойдаланилган ҳолда корхоналар фаолиятиға тўғри баҳо бериш муҳим вазифадир. Ушбу битирув малака ишида Қорасу пахта тозалаш корхонаси ОАЖ бухгалтерия ҳисоботлари асосида корхонанинг материаллари ҳаракатини дастлабки хужжатларда тўғри расмийлаштириш ҳамда ички назоратини таъминлаш, шунингдек, улардан самарали фойдаланиш, шу билан биргаликда материаллардан самарали фойдаланишға таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришда материаллар ҳажминини таннархға таъсири ўрганиш ва таҳлил қилиш масалалари ўрганилган ва тавсиялар берилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Материаллар ҳаракатининг ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилиш масалалари билан хорижлик ва республикамиз иқтисодчи олимлар ва мутахассислари тадқиқотлар олиб

боришган. Хусусан, Ўзбекистонлик олимлардан А.Ибрагимов, О.Бобожонов, Н.Жўраев, Б.Хасанов, Р.Холбеков, А.Хошимов, А.Мажидов ва бошқалар.

Шунингдек, хорижлик олимлар Р.Алборов, А.Бекаев, М.Кутер, Н.Кондраков, З.Кирьянова, С.Николаева, Н.Селезнава, Л.Смирнова, И.Хабарова, А.Шереметларнинг махсус дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам ўз аксини топган. Бу олимларнинг илмий ва услубий ишлари назарий ҳам амалий аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, мазкур мавзу бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади. Юқорида кайд қилинган фикр ва мулоҳазалар ушбу мавзуда илмий изланиш олиб бориш заруриятини вужудга келтирди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари - пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳаракатининг ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишга оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни белгилаш ва ҳал этишни кўзда тутлади:

- материаллардан фойдаланишнинг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва уларни туркумлаш ҳамда баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш;

- пахта тозалаш корхоналарида материалларнинг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг услубий асосларини таҳлил қилиш;

- пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳаракатининг ҳисобини ташкил қилишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш;

- пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

- пахта тозалаш корхоналарининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил текшируви орқали аниқлаш ва унинг ҳолатига баҳо бериш;

- пахта тозалаш корхоналарида материаллардан самарали фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш тартибини ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқот предмети бўлиб, Қорасу пахта тозалаш корхонаси ОАЖда

материаллар ҳаракатининг ҳисоби ва таҳлилини ўрганиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот объекти бўлиб, Қорасу пахта тозалаш корхонаси ОАЖда материаллар ҳаракатининг ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилиш тизими фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлари, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг иқтисодиётимизни ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга оид Фармонлари, Қарорлари, асарлари ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг ҳисоб тизими услубиятига доир меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари ташкил этади.

Илмий изланиш жараёнида мавзуга оид хорижий, шунингдек мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан ва Интернет ресурслари манбаларидан ҳамда Қорасу пахта тозалаш корхонаси ОАЖ фаолиятини акс эттирувчи статистик маълумотлардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан изоҳланади:

– материаллардан фойдаланишнинг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва уларни туркумлаш ҳамда баҳолашнинг назарий асослари атрофлича ўрганилди;

– пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг услубий асосларини назарий жиҳатдан таҳлил қилинди;

– пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳаракатининг ҳисобини ташкил қилишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганилди ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилди;

– пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди;

– пахта тозалаш корхоналарининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил орқали аниқлаштирилди ва унинг ҳолатига баҳо берилди;

– пахта тозалаш корхоналарида материаллардан самарали фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш тартиби ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган тадқиқот иши натижаларидан олий ўқув юртларида таълим олаётган иқтисодчи талабаларга бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил фанларини ўқитишда ўқув услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Битирув малакавий ишида келтирилган фикр-мулоҳазаларни «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ фаолиятида материалларнинг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилин ташкил қилишга ёрдам беради деб ўйлаймиз. Натижада уларда бухгалтерия ҳисобига маълумотларини назорат қилиш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланишга замин яратади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ да материалларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг таҳлилин ташкил қилиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда, шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларга «Молиявий ҳисоб», «Иқтисодий таҳлил» фанларини ўқитишда услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

БМИ таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

1-БОБ. Пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳисоби ва таҳлилининг назарий асослари.

1.1. Иқтисодий модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш шароитида корхоналарнинг тутган ўрни.

Республикада мунтазам равишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор ва муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Давлатимиз томонидан белгилаб берилган устувор мақсад ва йўналишларда чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида миллий иқтисодийнинг барча жабҳаларида салмоқли марралар ва катта ютуқларга эришилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига еришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошириши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ.

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади. Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш еса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Ўтган 22 йиллик даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсган бўлиб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айти шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин

кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Мамлакат иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида бир қанча дастурлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, пахта тозалаш саноати тармоғидаги корхоналарда замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида 2007 йил 3 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида” га 70-сонли қарор қабул қилинди [6].

Қарорда эскирган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан ишдан чиққан асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст бўлган, шунингдек, йирик корхоналарда 30 та пахта тозалаш корхонасини тугатиш, бунда тайёрлов пунктларининг мавжуд тармоғини сақлаб қолиш белгиланган. Бундан ташқари, дастурга кўра, “Пахта tozalash IIChB” жамияти, машинасозлик, лойиҳачилар ва бошқа дахлдор ташкилотлар билан биргаликда 5 йил ичида соҳанинг 20 та корхонасини реконструкциялаш ва 21 тасини модернизациялаш кўзда тутилган эди. 5 йил муддат ичида жами 41 та пахта тозалаш корхоналари реконструкция ва модернизациядан ўтказилган бўлиб, уларнинг йиллар бўйича улуши 1-жадвалда кўрсатилган.

**Республикамиз пахта тозалаш корхоналарини йиллар кесимидаги
модернизация ва реконструкция қилиш тўғрисидаги маълумот**

Йиллар	Реконструкция қилиш	Модернизация қилиш	Жами
2007	3	2	5
2008	3	4	7
2009	4	5	9
2010	5	5	10
2011	5	5	10
Жами	20	21	41

Мамлакат иқтисодиётининг саноат тармоғи соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрда “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди ^[7].

Ушбу қарорга мувофиқ, 2011-2015 йилларда республика саноатини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

1) Саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал тадбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

2) Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий ҳом ашёни чуқур ва сиатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

3) Мехнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобиги саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш ва бошқалар.

Мамлакатимиз замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ўз ўрнини топиши учун ягона йўл бўлиб қолди. Ишлаб чиқаришни замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳам наф кўради (1-чизма).



1-чизма. Юқори технологиялардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга бўлган таъсири.

Шундай қилиб, иқтисодиётнинг таркиби халқ хўжалигининг мутаносиблигини, унинг самарадорлиги ва барқарор ўсишини таъминлаш

учун улкан аҳамиятга эга. Ривожланган давлатларнинг иқтисодий муваффақиятлари кўп жihatдан ишлаб чиқаришдаги умумий динамикани ва бошқа сифат ўзгаришларини таъминлаб берган чуқур таркибий ўзгаришлар билан изаҳланади. Шу нуқтаи назардан таркибий ўзгаришларни ўрганиш, тадқиқотларни олиб бориш назария ва услубларни яратиш, уларни амалга оширишнинг йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур масалани ижобий ҳал қилиниши эса иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор ўсишни таъминлаш имкониятини яратади.

1.2. Пахта тозалаш корхоналарида материаллар ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолияти жараёнининг якуний босқичидан олинadиган тайёр махсулотларнинг таннархидаги сарфланган хом ашё ва материалларнинг улушини имконияти борича камайтириш муҳим ўрин тутadi, чунки талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда уларга ўрнатилган баҳо махсулотларнинг харидоргирлик даражасини белгилайди. Ушбу муомалалар ва талаблардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил қилаётганда табиий ва моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни ва ёндаш махсулотларни кенг талаб қилиши лозим.

Пахта тозалаш корхоналарида материалларнинг ҳисобини юритишда қуйидаги асосий вазифалар муҳим аҳамият касб этади:

- материалларни сақланиши устидан назорат ўрнатиш;
- омбордаги мавжуд материалларнинг белгиланган меъёридан ошмаётганлигини назорат қилиш;
- материалларнинг келиб тушиши, сақланиши ва сарфланиши билан боғлиқ бўлган хўжалик жараёнларини хужжатларда тўғри расмийлаштириш;

•ишлаб чиқаришга сарфланаётган захираларнинг белгиланган меъёрларига амал қилишини ва калькуляция объектлари бўйича тўғри тақсимлашни назорат қилиш.

Материаллардан фойдаланиш ва йўналиши бўйича улар асосан куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- хом ашёлар ва асосий материаллар;
- сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар;
- чиқиндилар;
- идишлар;
- ёқилғилар;
- эҳтиёт қисмлар;
- арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар.

Пахта тозалаш корхоналарида материал қийматликлар бутлигини амалий назорат қилишни таъминлашда корхона маркетинг (таъминот)ни ташкил етиш, омбор ва торози ўлчов хўжалигининг ҳолати катта аҳамиятга ега. Шу мақсадда пахта тозалаш корхонаи бўйича чиқарилган буйруқда ҳар бир омборга доимий рақам беркитилиб кейинчалик бу рақам мазкур омборга тегишли барча ҳужжатларда кўрсатилади.

Материаллар омборга топширилишда моддий жавобгар шахс томонидан келиб тушган материалларнинг миқдори, сифати ва ассортиментини мол етказиб берувчининг ҳужжатлари солиштириб кўрилади. Ҳақиқий келиб тушган материалларнинг миқдори мол етказиб берувчиларнинг ҳужжатларида кўрсатилганига тўлиқ мос келса, моддий жавобгар шахс томонидан кирим ордери (М-4 шакл) ёзилади.

Дастлабки ҳужжатлар миқдори камайтириш мақсадида келиб тушган материалларни киримга олишда кирим ордери ёзилмасдан, мол етказиб берувчининг ҳужжатларига кирим ордерининг асосий реквизитлари кўрсатилган маҳсус штампа қўйиб, уни тўлдиради.

Агар пахта тозалаш корхоналарида материаллар мол етказиб берувчининг омборидан автотранспорт билан марказлашган ҳолда олиб

келинса, тўрт нусхада товар-транспорт накладной (М-5 шакл ва М-6 шакл) тузилад ва қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

- мол харид қилувчига-кирим ордерини ўрнига материалларни киримга олиш учун;
- мол етказиб берувчига-материал қийматликларни ҳисобдан чиқариш учун;
- автотранспорт хайдовчиларига иш ҳақи ҳисоблаш учун;
- банкка топшириш учун.

Тўлов ҳужжатларисиз келиб тушган материалларни мол етказиб берувчининг ҳужжатлари билан солиштирган вақтда аниқланган тафовутларни расмийтиришда материалларни қабул қилиш тўғрисида далолатнома (М-7 шакл) тузилади. Далолатнома қабул комиссияси томонидан тузилиб, унда қуйидаги шахслар қатнашиши шарт: мол етказиб берувчининг вакили ёки бетараф ташкилотнинг вакили, омбор мудир ва корхонанинг таъминот бўлими вакили. Комиссияни корхона раҳбари тайинлайди. Далолатнома икки нусхада тузилади: биринчиси – кам ёки ортиқча чиққан материаллар суммасини счётларда акс еттириш учун бухгалтерияга топширилади; иккинчиси - даъво расмийлаштириш, ортиқча чиққан материаллар бўйича қўшимча тўлов талабномаси юбориш тўғрисида мол етказиб берувчиларга хабар бериш учун маркетинг бўлимига топширилади. Далолатнома тузилган бўлса кирим ордерини тузиш шарт эмас.

Кирим ордерлари материаллар келиб тушган куни тузилади. Лаборатория таҳлили ва техник кўригидан ўтадиган материаллар, шунингдек масъулиятли сақлашга қабул қилинган материаллар алоҳида сақланади. Улар бўйича кирим ордери ёзилмайди ва таҳлил натижалари аниқланмагунча улардан фойдаланишга рухсат етилмайди. Уларни ҳисоби махсус дафтарда юритилади. Олдин лаборатория текширишида турган материаллар сўнг масъулиятли сақлашга қабул қилинган

материаллар рўйхатга олинади. Бу дафтарни юритилиши барча турдаги мулклар бутлигини таъминлайди.

Пахта тозалаш корхоналарида омбордан омборга материалларни топширишда ёки фойдаланилмай қолган материалларни ёки ишлаб чиқаришнинг қимматли чиқиндиларини, яроксиз маҳсулот чиқиндиларини, асосий воситалар, инвентар ва хўжалик жиҳозларини тугатишдан олинган материал қийматликларини цехлар томонидан омборга топширишда накладной-талабномалар (М-11 шакл) тузилади. Материалларни топширувчи моддий жавобгар шахслар накладнойларни икки нусхада тузилади: биттаси - материалларни ҳисобдан чиқариш учун цехга берилади, иккинчиси - материалларни қабул қилиб олиш учун омборчига берилади.

Пахта тозалаш корхоналарида материалларни фойдаланишга жўнатиш, хўжалик еhtiёжига ишлатиш, хўжалик фаолиятида ишлатилмайдиган ортиқча материалларни четга сотиш муомалалари лимит – забор карталар, тўлов накладнойлари билан расмийлаштирилади.

Лимит – забор картаси (М-8, М-9 шакл) маркетинг бўлими томонидан маълум бир ишлаб чиқариш харажатлари кодига ўтказиладиган бир ёки бир неча материаллар турлари бўйича ёзилади.

Цех томонидан ишлаб чиқариш турларини бажариш учун зарур бўладиган материалларнинг ҳажми ва турлари корхонанинг режа-ишлаб чиқариш бўлими томонидан ҳисоблаб чиқилади.

Материалларни сарфлаш ва жўнатиш лимити материалларнинг мазкур тури бўйича цех омборига ой бошига қолган қолдиқ миқдорига камайтирилади.

Лимит – забор карта икки нусхада ёзилиб, биттаси цехга, иккинчиси омборга берилади. Материалларни омбордан жўнатишда омборчи цехнинг лимит – забор картасига, материал олувчи омбордаги лимит – забор картага имзо қўяди. Иккала лимит – забор картасида ҳар гал материаллар олингандан сўнг фойдаланилмаган лимит суммаси

чиқариб қўйилади. Лимитдан фойдаланилганда охирида лимит – забор карталар корхона бухгалтериясига топширилади. Уларга асосан материалларни ишлаб чиқаришга сарфлаш ҳисоби расмийлаштирилади ва белгиланган лимитга риоя қилиш устидан назорат қилинади.

Лимит – забор картасига биноан ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган материаллар ҳисоби ҳам юритилади. Бунда ҳеч қандай қўшимча ҳужжат тузилмайди.

Лимит – забор карталар сонини камайтириш мақсадида ойлик қирқиб олинadиган талонлари бўлган чорақлик лимит – забор карталаридан ҳам фойдаланиш мумкин. Агар лимит – забор карталар материаллар доим узлуксиз жўнатиладиган ҳолларда фойдаланилса, хўжалик ва бошқа ехтиёжари учун бир йўла материаллар жўнатилганда М -10 шаклдаги акт-талабнома қўлланилади. Акт-талабнома материалларни истеъмол қилувчи бўлимлар томонидан икки нусхада ёзилиб, биттаси омборчининг имзоси қўйилиб, материал олувчида қолади, иккинчиси мол олувчининг имзоси қўйилиб омборчида қолади.

Пахта тозалаш корхоналарида фойдаланишга барча лимитдан ортиқча жўнатиладиган материаллар учун ёки материалларни алмаштириш учун сабабини ва ортиқча сарф айбдорлари кодини кўрсатиб махсус талабнома ёзилади. Бундай ҳолларда материаллар омбордан корхона директори, бош муҳандиси ёки улар томонидан тайинланган шахсларнинг рухсати билан жўнатилади.

Пахта тозалаш корхоналарида материаллар четга ёки корхона худудидан ташқарида жойлашган ўзининг хўжаликлари учун жўнатилганда накладнойлар (М-11 шакл) қўлланилади. Улар таъминот бўлими томонидан нарядлар ва шартномаларга асосан уч нусхада ёзилади. Материаллар четга автотранспортда жўнатилса, товар-транспорт накладнойи ёзилади.

1.3.Пахта тозалаш корхоналарида материалларни таҳлил қилишнинг назарий асослари

Пахта тозалаш корхоналарининг материаллар билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда таҳлил қилиб туриш ва улар асосида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир.

Таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. Хўжаликнинг материаллар билан таъминланиш даражасини ўрганиш ва баҳолаш;
2. Материаллардан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаб, баҳо бериш;
3. Материаллар билан таъминланишни яхшилаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш.
4. Материаллар ва улардан фойдаланиш даражасининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсирини ўрганиш ва баҳо бериш.

Материаллар ва улардан фойдаланиш даражасини таҳлил этишнинг асосий манбалари бўлиб, қуйидаги ахборот маълумотлари ҳисобланади:

1. Бухгалтерия баланси (1-шакл);
2. Ташкилот, корхоналарнинг асосий фаолияти кўрсаткичлари (6-АСК шакли);
3. Бухгалтерия ҳисобининг бош ва аналитик сўтларининг маълумотлари;
4. Бизнес-режа маълумотлари.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига бошқа омиллар билан бир қаторда материаллар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш даражаси ҳам таъсир қилади.

Материаллар билан таъминланиш даражасини аниқлаш учун корхонада мавжуд бўлган материалларнинг ҳақиқий ҳажмини (миқдорини) меъёр бўйича талаб қилинадиган ҳажмига (миқдориغا) бўлиш керак. Ушбу

кўрсаткич хўжалик бўйича ҳам, ҳар бир материалнинг тури бўйича ҳам аниқланади.

Материаллар билан таъминланиш аҳолининг таҳлили солиштириш, кўрсаткичлар фарқи, занжирли боғланиш усуллари ёрдамида амалга оширилади. Биринчи навбатда улар билан таъминланиш даражасининг умумий ўзгариши, сўнгра ушбу ўзгаришга омилларнинг таъсири аниқланиб, материаллар билан таъминланиш даражасига баҳо берилади. Шундан сўнг материаллардан фойдаланиш даражасининг таҳлили амалга оширилади.

Материаллардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланади (2-чизма).



2-чизма. Материаллардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари.

Материаллар қайтими деганда бир сўмлик моддий харажатлар ҳисобига етиштирилган маҳсулот ҳажми тушунилади. Бошқача айтганда 1

сўмлик моддий харажат ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ифодаловчи кўрсаткич материаллар қайтими деб аталади.

Материаллар қайтими истеъмол қилинган материалнинг ҳар бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич истеъмол қилинган материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи бевосита кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич қанча юқори бўлса, материаллардан фойдаланиш даражаси шунча юқори бўлади. Демак, маҳсулот ҳажми қиёсланаётган даврга нисбатан ошиб борган бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг харажатга нисбатан ошиб бориши корхона иқтисодини ўсишига сабабчи бўлади.

Материаллар қайтими коэффицентини аниқлаш учун ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмини шу маҳсулот учун сарф бўлган моддий харажатлар ҳажмига бўлиш керак:

$$КМҚ = \frac{ЯМ}{МХ} \quad (1)$$

бунда, КМҚ – материаллар қайтими коэффицентини (кўрсаткичи)

ЯМ – етиштирилган ялпи маҳсулотлар ҳажми (суммаси)

МХ – моддий харажатлар суммаси.

Бу коэффицент 1 дан катта бўлса, истеъмол қилинган материаллардан фойдаланиш самарали бўлганлигини, агар паст бўлса – ишлаб чиқариш моддий зарар билан ишлаётганлигини билдиради.

Материаллар сиғими кўрсаткичи бир сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сарф бўлган моддий (материал) харажатлар суммасини ифодалайди. Материаллар сиғими материаллар қайтимининг аксини ифодаловчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич материаллар сиғими деб ҳам аталади. Материаллар сиғими даражаси қанча паст бўлса, материаллардан фойдаланиш даражаси шунча юқори бўлади, бошқача айтганда 1 сўмлик моддий харажат ҳисобига етиштирилган маҳсулот ҳажми ошиб боради. Бу хўжалик иқтисодиётининг, қолаверса, мамлакат миллий иқтисодиётининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига сабабчи бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўлган моддий харажатлар суммасини етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажмига (суммасига) бўлиш орқали аниқланади.

$$KMC = \frac{MX}{ЯМ} \quad (2)$$

бунда, КМС – материаллар сиғими коэффиценти

МХ – ялпи маҳсулот учун сарф бўлган моддий харажатлар суммаси;

ЯМ – ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қиймати.

Материаллар рентабеллиги сарф бўлган моддий харажатларнинг ҳар бир сўми ҳисобига олинган фойда суммасини билдиради.

Материаллар рентабеллигини аниқлаш учун маҳсулот сотишдан олинган фойда суммасини сарф бўлган материалларнинг жами суммасига бўлмоқ керак:

$$KMP = \frac{ЯФ}{МХ} \quad (3)$$

бу ерда, КМР – материаллар рентабеллиги коэффиценти;

ЯФ – маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда;

МХ – сарф бўлган материаллар ҳажми.

Материаллар рентабеллиги истеъмол қилинган материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи асосий умумлаштирувчи кўрсаткичлардан биридир.

Бу коэффицент қанча юқори бўлса моддий сарфлардан фойдаланиш даражаси ҳам шунча юқори бўлади, демак, самарадорлик даражаси ошади. Бошқача айтганда 1 сўмлик моддий харажат ҳисобига олинган фойда ошган сайин, хўжаликни молиявий аҳволи ҳам мустаҳкамланиб боради.

Материаллар харажати коэффиценти ҳисобот даврида сарф бўлган ҳақиқий материаллар ҳажмининг меъёр бўйича ҳисобланган ҳажмига ёки базис даврида истеъмол қилинган материалларнинг ҳажмига нисбатан тежалганлигини ёки ортиқ харажат бўлганлигини билдиради.

Бу коэффициентни аниқлаш учун ҳисобот даврида сарф бўлган ҳақиқий материал ресурслар суммасини ҳисобот даврида етиштирилган маҳсулот миқдорига нисбатан меъёр бўйича ҳисоблаб олинган шартли материал харажатлар суммасига (ёки базис давридаги харажат даражаси бўйича ҳисоблаб олинган шартли харажатлар суммасига) бўлиш керак.

$$KM\Phi = \frac{MX_1}{MX_{III}} \quad (4)$$

бу ерда, КМФ – материаллардан фойдаланиш коэффициенти;

MX_1 – ҳисобот даврида етиштирилган маҳсулот учун сарф бўлган ҳақиқий материаллар суммаси;

MX_{III} – шартли материал харажатлар суммаси (ҳисобот даврида етиштирилган маҳсулот ҳажмига нисбатан меъёр бўйича ҳисоблаб олинган ёки базис давридаги маҳсулот бирлиги учун бўлган харажат даражаси бўйича ҳисоблаб олинган харажатлар суммаси).

Шартли материал харажатлар суммасини аниқлаш учун ҳисобот йилида етиштирилган маҳсулот миқдорини меъёр бўйича бир бирлик маҳсулот учун белгиланган харажат даражасига ёки базис давридаги харажат даражасига кўпайтирилади.

Материаллардан фойдаланиш коэффициенти 1 дан паст бўлса, моддий харажатларнинг тежалганлигини, 1 дан катта бўлса – ортиқча харажат содир бўлганлигини билдиради.

2- БОБ. «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ да материаллар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш.

2.1. Корхонада материаллар ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва унинг синтетик ҳисобини ташкил этиш.

Материаллар ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлаштириш тартибини аниқлаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом ^[8];

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси 4-сонли «Товар-моддий захиралар» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (кейинги ўринларда БХМС № 4 деб юритилади) ^[12];

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (кейинги ўринларда БХМС № 21 деб юритилади) ^[12] ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси 19-сонли «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (кейинги ўринларда БХМС № 19 деб юритилади) ^[12] ва бошқалар.

Пахта тозалаш корхоналарида материал ва ҳом ашёларни ҳисобга олиш кўйидаги дастлабки ва йиғма ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

М-1. Келтирилган юкларни ҳисобга олиш журнали - бу журнал субъектнинг бухгалтерияси ёки моддий таъминот бўлимида юритилиб, унга ҳом ашё ва материалларнинг кузатиш ҳужжатлари — счёт-фактура, юкхатлар қайд қилиб берилади ва айрим устунда пули тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади.

М-2. Ишончнома — айрим шахсларга материал олиш учун вақиллик ҳуқуқини беради ва субъект томонидан бир нусхада ёзилиб шу шахсга имзо билан берилади ва муддати 10-15 кунга белгиланади.

М-2а. Ишончнома — агарда субъект у ёки бу ташкилотдан доимий равишда ҳом ашё ёки материал олиб турса қўлланилади ва ушбу берилган М2б ишончномаларни ҳисобга олиш журналида қайд қилиб борилади (кимга, қачон ва нима учун берилди).

М-3 ва М-4. Кириш ордерлари-омборхонага товар-моддий захираларни қабул қилиш учун омборхона мудирини томонидан тўлғазилади.

М-7. Материалларни қабул қилиш далолатномаси. Агарда материаллар ҳужжатсиз келса, ёки ҳужжатда кўрсатилаётган маълумотлар билан ҳақиқий мавжудлиги ўртасида фарқ аниқланса қўлланилади. Далолатнома комиссия томонидан икки нусхада тузилиб, биринчи нусхаси бухгалтерияга материалларни ҳисобга олиш учун берилади, иккинчи нусхаси эса мол етказиб берувчига даъво хатини тайёрлаш учун моддий таъминот бўлимига ёки бухгалтерияга берилади.

М-8. Ойлик чегараланган олиш картаси — битта материал учун.

М-8а. Квадратлик чегараланган олиш картаси — бир хил материал учун.

М-9. Чегараланган олиш картаси — материалларнинг 2-5 тури учун.

М-9а. Чегараланган олиш картаси — бир хил маҳсулот учун сарфланадиган материаллар учун.

Юкорида қайд қилинган корхонада ишлаб чиқариш технологияси харитасига асосан чегараланган олиш картаси тузилиб цех раҳбари

томонидан тасдикланади ва 1-нусхаси омборхонага, 2 нусхаси ишлаб чиқариш объектига берилиб, олинган ҳом ашё ва материаллар қайд қилиб борилади. Ҳом ашё ва материаллар олиб бўлингандан кейин ёпилиб ҳисоботлар омборхона мудирининг ҳисоботи ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари билан бухгалтерияга топширилади.

М-10. Бир қаторли талабнома — битта материалнинг олинганлиги учун.

М-10а. Огохлантирувчи талабнома — тасдиқанган меъёрдан ортикча олинган материаллар учун.

М-11. Кўп қаторли талабнома — ҳар хил материалларни олиш учун.

Бу талабномалар ҳам цех раҳбари томонидан ёзилиб, тасдиқлангандан кейин омборхонадан олинади ва ҳисоботларга илова қилиниб бухгалтерияга топширилади.

М-12. Бир қаторли юк хати — битта материалнинг омбордан омборга ёки цехдан цехга ўтказилиши учун.

М-13. Кўп қаторли юк хати — ҳар хил материалларнинг омбордан омборга ёки цехдан цехга ўтказилиш учун.

Бу юкхатлар орқали материалларнинг субъект ичидаги ҳаракатини (сарфланиши эмас) назорат қилиш ва ҳисобга олиб бориш учун қўлланилади.

М-14. Бир қаторли юк хати — битта материални четга сотиш ёки бериш учун.

М-15. Кўп қаторли юк хати — бир нечта материалларни четга сотиш ёки бериш учун.

Бу юк хатлари субъектнинг филиалларига материалларни бериш ёки шартномаларга асосан бошқа шахсларга сотиш учун қўлланилиб, икки нусхада тузилади.

М-17. Омборхонада материалларни ҳисобга олиш картаси, омборхонадаги мавжуд товар-моддий захираларининг нави, миқдори, баҳоси бўйича ҳаракатини ҳисобга олиб боради.

Бу карталарни омборхона мудирлари тузади ва юрғазиб боради ва ушбу карталар омборхонадаги материаллар тўғрисида тезкор муълумотлар олиш учун хизмат қилади.

М-18. Хужжатларни қабул қилиб олиш қайдномаси — омбор мудирлари томонидан тузилиб унда бухгалтерияга топширилган кириш ва чиқим хужжатлари қайд қилинади.

М-20. Омборхонада қолган материалларнинг жамғармаси – маълум даврга (асосан ой, квартал ва йил охирида) омборда мавжуд бўлган материалларнинг қолдиғи омбор карточкаларига асосан тезкор бухгалтерия ҳисоби усулида аниқланади.

М-22. Сарфланган материалларни ҳисобдан чиқариш ва материаллар қолдиғи тўғрисида далолатнома.

М-34. Материалларнинг ҳақиқий қолдиғи билан захира меъёри ўртасида фарқ тўғрисидаги огоҳлантирувчи билдиришнома. Бу билдиришнома омбор мудирлари томонидан М-17 маълумотига асосан тўлғазилиб, унда материалларнинг ҳаракати, кераксиз ёки ортиқча материаллар бўйича маълумотлар олиниб, келгуси ойда моддий-техника таъминоти (маркетинг) бўлими ходимларининг фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради.

Материаллар ҳаракати ва ҳолатини ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобида 1000 «Материаллар» счёти ёрдамида назорат қилинади ва у қуйидаги счётларни ўз ичига олади:

1010- "Ҳом ашё ва материаллар" – бу счётда ҳисобга олинган материаллар меҳнат предмети ҳисобланиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг материал асосини ташкил этади. Масалан, пахта ҳом ашёси пахта тозалаш корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш ҳом ашёси ҳисобланади;

1020-"Сотиб олинган ярим тайёр материаллар ва бутловчи буюмлар" - йиғишда ва қайта ишлов беришда харажат талаб қиладиган ишлаб чиқарилаётган (қурилиш) маҳсулотни бутлаш учун ишлаб чиқариш кооперацияси тартибида харид қилинган, сотиб олинган ярим тайёр

маҳсулотлар, тайёр бутловчи буюмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади;

1030- "Ёқилғи" счётида нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) (нефть, бензин, керосин, дизель ёқилғиси, ёғ ва ҳоказолар), каттиқ ёқилғи (кўмир, ўтин ва ҳоказолар) ва газсимон ёқилғи (газ, газолин) шунингдек, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва каттиқ ёқилғи сифатида ишлатиладиган икқиламчи материал қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Пахта тозалаш корхоналарида 1030 «Ёқилғи» счётида тракторларнинг ишлаши учун зарур бўлган ёнилғи ва мойлаш материаллари ҳамда туру жойларни иситиш учун зарур бўлган кўмир ва бошқа хил ёқилғилар акс эттирилади;

1040-"Эҳтиёт қисмлар" счётида машина, ускуна, транспорт воситалари ва бошқаларни таъмирлаш ва эскирган қисмини алмаштириш учун мўлжалланган асосий фаолият учун харид қилинган ёки тайёрланган, эҳтиёт қисмларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, ҳамда заҳирадаги автомобил шиналари ҳисобга олинади. Шу ерда таъмирлаш заводларида ва техник сервис пунктларида корхонанинг таъмирлаш бўлимларида қилинган (яратилган) агрегатлар, двигателлар, ускуналар, тўлиқ комплектли машиналарнинг алмашиш фонди ҳаракати ҳам ҳисобга олинади.

1050-"Қурилиш материаллари" счётида қурилиш конструкциялари ва деталлари, бино ва иншоотларнинг қисмлари, конструкция ва деталларини қуриш ва пардоз қилиш, қурилиш деталларини тайёрлаш қурилиш ва монтаж ишларида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган шунингдек, бошқа эҳтиёжлар учун четдан сотиб олинган ва ўзида ишлаб чиқилган қурилиш материалларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

1060-"Идишлар ва идиш материаллар"

1070-"Четга кайта ишлашга берилган материаллар"

1080-"Инвентарь ва хужалик буюмлари"

1090-"Бошқа материаллар"

Синтетик ҳисобда материаллар фақат сўм кўринишида ҳисобга олиб борилади, лекин белгиланган вақтда ҳақиқий мавжудлигини текшириш мақсадида тизимли равишда инвентаризация ўтказилиши шарт. Уларнинг бошланғич ва охириги қолдиғи ва кирими ушбу счётларнинг дебет томонида ва сарфи-чиқими эса кредит томонида ҳақиқий таннархда қайд қилиб борилади. «Қорасу пахта тозалаш корхонаси»нинг омборига материаллар нафақат мол етказиб берувчилардан қабул қилинади, балки ҳисобдор шахслар олиб келган захиралар, (хўжалик ва идора учун зарур буюмлар), ўзининг ёрдамчи ишлаб чиқаришида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар — жиҳозлар, иш қуроллари, мосламалар ва хоказо, асосий ишлаб чиқаришдан олинган чиқиндилар ва тежалган буюмлар, яроқсиз маҳсулотлар, асосий воситалар ҳисобдан чиқарилаётганда олинган икқиламчи материаллар ҳам омборга қабул қилинади.

Материаллар сарфланиши ва чиқими бўйича тўлғазилган ҳамма дастлабки хужжатлар синтетик счётларда, фойдаланиш жойлари ва сарфларнинг йўналишлари бўйича бухгалтерияда гуруҳлаштирилади. Ҳисобот даврининг ичида улар белгиланган, асосан ҳисоб-режа баҳосида ҳисобга олиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида ҳисоб-режа баҳоси билан ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммаси белгиланган тартибда ҳисоб-режа баҳосига ёки келишилган баҳога муносиб равишда сарфланган тармоқларга тақсимланади (агарда ушбу сарфлар тежалган бўлса тегишли харажатлардан чегирилади).

1-жадвал

**Материаллар ҳаракати бўйича муомалаларни
счётларда акс эттириш тартиби:**

№	Операция мазмуни	Дебет	Кре- ди- т	А с о с :	Сумма, минг сўм
	Материалларнинг келиб тушиши				
1.	Мол етказиб берувчилардан	1010- 1090	6010	Счёт- фактура	148 823
2.	Беғараз (бепул) тушиши	1010- 1090	8523 9390	Счёт- фактура	1 625

3.	Таъсисчилардан	1010-1090	4710	Счёт-фактура	399,5
4.	Асосий воситаларни тугатишдан	1010-1090	9210	Акт	49,5
5.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан	1010-1090	2310	Материал ҳисобот	8 013
	Материалларини чиқим қилиш, сотиш ва бошқа чиқиб кетиши				
1.	Асосий ишлаб чиқаришга	2010	1010-1090	Ишлаб чиқариш ва материал ҳисоботи	15 799 191
2.	Пахта қабул қилиш масканларга берилди	6110	1010-1090	Юк хати, материал ҳисобот.	1 151
3.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга	2310	1010-1090	И/ч.ҳисоботи	5 365
4.	Маъмурият мақсадлари учун	9420	1010-1090	Материал ҳисобот	5 802,2
5.	Сотиш	9220	1010-1090	Шартнома, счёт-факт.	12 962,7
6.	Камомад	5910	1010-1090	Акт	
7.	Моддий жавобгар шахсдан камомад ундирилди	4710, 6710	5910, 5910	Корхона буйруғи	
8.	Камомад корхона зарарига олиб борилди	9430	5910	Корхона буйруғи,	
9.	Устав капиталига улуш ҳисобига	0610-0690 9220	9220 1010-1090	шартнома, счёт-фактура	
10.	Беғараз (бепул) бериш	9432 9220	9220 1010-1090	шартнома, счёт-фактура	1 625

Шундай қилиб, материаллар сарфининг ҳақиқий таннархини ташкил қилувчи сумма бухгалтерияда бир нечта журнал ордерларда (1,3,6.7,10/1,13) акс эттирилади ва Бош дафтарда умулаштирилади. Сарфланган ёки четга чиқарилган материаллар ҳақиқий таннархда 10 ва 10/1 журнал-ордерда акс эттирилади ва Бош дафтарда умумлаштирилади.

Агарда «Қорасу пахта тозалаш корхонаси»нинг ҳисоб счётида кўрсатилган бўлса материаллар харид баҳоси, олиб келиш ва тайёрлаш сарфларини ҳисобга олиш учун 1510-"Материалларни сотиб олиш ва

тайёрлаш" счёти қўлланилади. Ушбу 1510 счётининг дебетиға қабул қилиш манбаиға мувофиқ харид қилинган материаллар келишилган баҳоси ва уларни тайёрлаш ва олиб келиш сарфлари 6010, 2010, 2310, 6510, 6710, 6970 ва бошқа счётларнинг кредитида қайд қилиб борилади.

1510 счётнинг кредитида ва 1000, 1100, 2900 счётларининг дебетида ҳақиқатда келган ва кирим қилинган материаллар қийматлари қайд қилинади. Лекин уларнинг ҳисоб-режа таннари билан ҳақиқий таннари ўртасидаги фарқ суммалари 1610-"Материаллар қийматидаги фарқлар" счётиға ўтказилади. Ушбу 1610 счётидаги йиғилган фарқ суммалари ҳисобот даври охирида материаллар чиқарилган тегишли объектларига ҳисоб-режа баҳосидаги қийматиға мутаносиб равишда тақсимланади.

1510 счётда йўлда келаётган (лекин ҳужжати келган) материаллар жорий маълумотлари кўрсатилади. Бу ушбу счётнинг хар ойидаги бошланғич қолдиғи ҳисобланади.

2.2. Корхонада материаллар киримини бухгалтерияда ҳисобға олиш ва омборларда сақлаш ҳисоби.

Пахта тозалаш корхоналарида материалларнинг асосий қисмини пахта ҳом ашёси ҳисобланадию Пахта ҳом ашёсини қабул қилиш ва жамлаш кондицион вазн бўйича барча саноат навлари учун умумлаштирилгин ифлос аралашмаларнинг вазний улуши (2,0 %) ва намликнинг вазний нисбати (9,0 %) ҳисобий меъёри бўйича ҳисобланиб, ЎзРСТ 615-94 «Пахта. Техник шароитлар»^[13] ва ЎзРСТ 642-95 «Уруғлик пахта. Техник шароитлар» республика стандартлари талабларига мувофиқ амалға оширилади^[14].

Пахта тўдасининг жамланиши, сақланиши ва қайта ишланиши "Пахта териш ва тайёрлаш бўйича йўриқнома"ға биноан толанинг туриға ва пахтанинг сифат кўрсаткичларига қараб хар бир хўжалик бўйича алоҳида амалға оширилади^[19].

Пахта унга ёзилган № 1 – СХ (пахта) туридаги товар – транспорт накладнойи асосида қабул қилинади. Ушбу накладнойнинг барча бандлари

тўлдирилган бўлиши керак. Бу накладнойлар катъий ҳисоб – китоб ҳужжатлари ҳисобланади.

Қабул қилиб олинган пахтанинг миқдори ва сифати ҳақида гувоҳлик берувчи ва шу асосда тайёрлов маскани хўжалик билан ҳисоб – китоб қиладиган ҳужжат пахта харид қилишга оид қабул қвитанцияси (№ ПК – 17 шакл) ҳисобланади.

№ ПК–17 шаклдаги қабул қвитанциясини катта классификатор ёки классификатор–тарозибон тўлдиради. Кун давомида улар қабул қвитанциясининг 1–бўлимида ҳар бир № 1 – СХ (пахта) шаклидаги накладной бўйича саноат навларига қараб алоҳида – алоҳида қабул қилинган пахтанинг ҳақиқий миқдорини ёзиб боради. Кун охирида қвитанциянинг 1–бўлимини расмийлаштиришни тугаллашади, навлар ва партиялар бўйича яқунларни ҳисоблаб чиқишади. Тайёрлов пунктида № 3–ХЛ шакли бўйича қабул қилинган пахта учун қвитанциялар рўйхатини тузишади. № ПК–17 шаклидаги барча уч нусхадаги қабул қвитанциялари ва № 3–ХЛ шаклидаги икки нусхадаги қабул қвитанциялари рўйхати имзоланади ва № 1–СХ (пахта) шаклидаги накладнойлар билан ҳисоб–китоб қилиш учун тайёрлов маскани муҳосибига жўнатилади.

Пахта ҳом ашёсининг саноат нави, типи ва сифати аниқлангандан сўнг, уни сақлаш учун пахта омборларга, айвон ости ва очиқ майдонлардаги пахта тозалаш корхонаси ғарамларига жўнатилади.

Бухгалтерия томонидан белгиланган графикка асосан белгиланган вақтда омбор мудирини кирим ва чиқим ҳужжатларининг рўйхатини (М-13) тузади. Унда ҳужжатларнинг номерлари, материаллар миқдори, гуруҳи ва турлари кўрсатилади. Материал бўлимининг бухгалтерини эса моддий жавобгар шахс — омборчидан ушбу ҳужжатларнинг реестрини (ҳисобот) қабул қилиб олади ва ўзининг имзоси билан тасдиқлайди. Шундан кейингина ушбу ҳисоб карточкалари бухгалтерия қайдномаси ҳуқуқини олади.

Пахта ҳом ашёсини омборлада сақлашда унинг ҳисоб – китобани юритиш учун бошланғич ҳужжатларнинг қуйидаги шакллари қўлланилади:

7-ХЛ шакл – Тайёрлов масканида пахта ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари;

8-ХЛ шакл – Пахта учун паспорт;

9-ХЛ шакл – Пахтани жамлаш ва жўнатилаётгандаги ифлослиги ва намлиги ҳақида маълумотнома;

10-ХЛ шакл – Пахтани сақланиш ҳолатини текшириш далолатномаси;

11-ХЛ шакл – Пахта тўдаларини қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш текшируви натижаларининг далолатномаси;

12-ХЛ шакл – Пахта ҳосили тўдаларини қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш текшируви натижаларининг далолатномаларини рўйхатга олиш дафтари.

Пахта тозалаш корхонасида пахта ҳаракатининг ҳисоб – китоби бўйича 7-ХЛ шакли корхона бухгалтериясида ва пахта учун ҳисобдор бўлган катта сараловчи томонидан юритилади. Ушбу дафтардаги 3-устунда йиғма ҳисоб – китобнинг 4-ХЛ шакли тартиб рақами ёки жўнатилган пахта спецификацияси 16-ХЛ шаклнинг тартиб рақами кўрсатилади. Дафтарда пахта ҳаракати бўйича қўйилган қайдлар бухгалтер ва сараловчи биргаликда қўйган имзоси билан тасдиқланади. Омбор бўшаганидан сўнг катта сараловчи ва бухгалтер дафтар охириги имзо чекади.

Пахта ҳаракати ҳисоб – китоби бўйича кирим, чиқим ва кўчириладиган маълумотлар, ой тугугач бухгалтерияда тайёрланадиган маълумотлар билан солиштирилади. Тайёрлов масканидаги пахта ҳаракатини ҳисобга олишнинг 7-ХЛ шакли дафтари рақамланиши, ип ўтказилиб боғланиши ҳамда пахта тозалаш корхонаси директори ва бош бухгалтери имзоси ва мухри билан тасдиқланиши шарт.

Пахта сақланадиган жойда ёки ғарамга пахта бостирилганда тайёрлов маскани лабораторияси ҳар бир тўдадаги ҳом ашё учун пахтанинг 8-ХЛ шаклли паспортини икки нусхада ёзади. Пахта паспорти ҳар бир тўдадаги пахтанинг сифати тавсифи устидан назорат юритиш учун қўлланилади.

Пахта тозалаш корхонаси ҳудудидан ташҳаридаги тайёрлов масканидан келтирилган пахтанинг ҳар бир тўдаси бўйича пахта тўдаларини қабул қилишб сақлаш ва жўнатиш натижалари ҳақидаги 11-ХЛ шаклли далолатнома тузилади.

Далолатнома тайёрлов маскани мудирини, лаборатория мудирини ва бош бухгалтердан ташкил топган комиссия томонидан, шу тўдадаги пахта келтириш тугалланишига қараб у учун ҳисобдор бўлган сараловчи иштирокида тузилади. Бу далолатномани тузиш учун тайёрлов масканидаги пахта ҳаракатини ҳисобга олишнинг 7-ХЛ шаклли дафтари ва пахтанинг 8-ХЛ шаклдаги паспорти маълумотлари асос бўлиб хизмат қилади.

11-ХЛ шаклдаги далолатномада пахта массасини, унинг тайёрлов маскани ичида тўдадан тўдага кўчирилишини ва шу тўдадаги пахтанинг пахта тозалаш корхонасига қабул қилиниши натижаларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилиши лозим.

11-ХЛ шаклдаги далолатнома кўрсаткичлари пахта тўдаларини қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш текшируви натижалари далолатномаларини қайд этиш бўйича 12-ХЛ шаклдаги дафтарга ёзувлар пахта заводи бухгалтерия томонидан ёзилади.

Ҳар ойнинг 1-куни ҳолатига омбор мудирини карточкалардаги материаллар қолдиғини "Материалларнинг қолдиғини ҳисоблаш қайдномаси" (М-14)га ўтказилади. Бу қайднома ҳар бир омбор учун айрим юрғазилади ва йиллик маълумотлар йиғилади. Ушбу қайднома бухгалтерияда сақланиб ойнанинг охирида омбор мудирини берилади, у эса ушбу қайдномани тўлғазиб кейинги ойнанинг 1-3 кунлари (тасдиқланган графикка асосан) бухгалтерияга топшириши лозим. Моддий жавобгар шахс тегишли материаллар турлари бўйича ҳақиқий қолдиғининг маркетинг бўлими томонидан ўрнатилган захира меъёри ва нисбатларига мос келишини назорат қилиб бориши лозим.

«Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ нинг пахта ҳом ашёсини қабул қилиш бўйича ҳисоб – китоблари бухгалтерияда 21-сонли БХМС

талабларидан ва мазкур корхонанинг ҳисоб сиёсати ҳамда счётлар режаси асосида қуйидаги синтетик счётлар ёрдамида амалга оширилади (2-жадвал):

2-жадвал

**Пахта ҳом ашёсини қабул қилиш бўйича муомалаларни
счётларда акс эттириш тартиби (минг сўм) :**

№	Операция мазмуни	Дебет	Кредит	А с о с :	Сумма
1.	Пахта ҳом-ашёси қабул қилинди (Пахта ҳом ашёси намлиги нормадан юқори бўлган харид нархидан меъёрдан ортиқ ҳар бир фоиз учун 0,5 фоиз миқдорида чегирмани ҳисобга олган ҳолда)	1010	6010	Счёт фактура,17-ПК	15 799 191
2.	Транспорт харажати (фермердан пахта қабул қилиш масканигача)	1520	6010	17-ПК ва бирламчи ҳужжатлар.	7 382,1
3.	Транспорт харажати фермерга тўланди	5110	6010	Тулов ҳужжати	134,2
4.	Уруглик пахта учун 1-босқичи ҳисобланди	3190	6010	17-ПК	
	Пахта қабул қилиш масканлари (харажатлари) ҳисоб китоблари				
1.	Иш ҳақи харажати	1520	6710	табель, наряд, ведомость	1 008 505
2.	Ягона ижтимоий тўлов	1520	6520-6530	ҳисоб-китоблар	252 126
3.	Электр энергия ва газ учун тўлов	1520	6010	ҳисоб-китоб	179 377
4.	Транспорт ва бошқа харажатлари	1520	6010	ҳисоб-китоб	
5.	Ёқилғи	1520	1030	ҳисоб-китоб (ёки ҳисоб)	23 542
6.	Материал харажатлари	1520	1020-1090	ҳисоб-китоб (ёки ҳисоб)	

Бухгалтерияда мол етказиб берувчилар билан олинган материаллар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳисоблашиш 6010 - "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" номли асосий ва пассив счётда юритилади. Чунки бу счётнинг бошланғич қолдиги мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзни (мажбуриятни) ой

охирода тўланмаган тўлов счётларининг суммасини кредит томонида акс эттиради ва бундан ташқари ушбу томонида ҳисобот даврида акцептланган ва фактурасиз келган материаллар қиймати кўрсатилса, унинг дебет томонида эса ҳисобот даврида тўланган ва ўзаро ҳисоблашиш натижасида қопланган сумма акс эттирилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар 6-журнал-ордерда акс эттирилади. Бу аралаш регистр ҳисобланиб биринчи қисмида умумий қарз ва тўланган сумма кўрсатилса, иккинчи қисмида ҳисоблашишнинг натижалари бўйича ҳар бир тўлов ҳужжати ва ҳар бир кирим ордери бўйича маълумот йиғилиб борилади.

6-журнал-ордер ҳар ойнинг бошида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланмаган (қарз) суммалар билан бошланади:

— акцептланган, тўлов муддати ўтган тўлов ҳужжатлари – 6010 счётнинг ой бошидаги қолдиғи;

— акцептланган, тўлов муддати ўтмаган тўлов ҳужжатлари – 6010 счётнинг ой бошидаги қолдиғи;

— акцептланган, лекин олинмаган материаллар (қабул қилинмаган материаллар);

— қиймати тўланган, лекин олинмаган материаллар (корхонанинг омборига қабул қилинмаган), қабул қилинмаган материаллар;

— фактурасиз юклар бўйича — материаллар қабул қилинган, лекин тасдиқловчи ҳужжатлари келмаган (6010 счётининг кредити бўйича ой бошига салдо).

2.3. Корхонада материаллар инвентаризацияси ва унинг натижаларини қайд қилиш ҳисоби.

«Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ мол-мулкининг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш мақсадида ҳисобот тузишдан олдин “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг

11-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган 19-сонли БҲМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” стандартига ^[12] мувофиқ инвентаризация ўтказлади.

Мазкур стандарт хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан, асосий фаолияти бюджет маблағлари ҳисобига молияланадиган ташкилот томонидан мол-мулк ҳамда молиявий мажбуриятларни инвентарлаш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

Мазкур стандартга мувофиқ инвентаризация қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

— тузилган йиллик ҳисоботда материаллар ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида йилда 1 марта 1-октябрь ҳолатига;

— моддий жавобгар шахсларни алмаштираётганда, уларнинг устидан асосли шикоят тушганда ва табиий офат содир бўлганда;

— бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан омборхона ҳисобидаги (ҳисоботидаги) маълумотларда фарқлар вужудга келса

— хўжалик юритувчи субъект тугатилганда (кайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Инвентаризация ўтказиш учун йил бошида субъект раҳбарининг имзоси билан доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясини тузиш ва унинг аъзолари тўғрисида буйруқ чиқарилади. Унга объектнинг етакчи мутахассислари, бўлимлардан вақиллар жалб қилинади.

Инвентаризация жараёнида қуйидагилар текширилади:

- материалларининг сақланиш шароити;
- уларни сақлаш ва чиқариш тартибларининг тўғрилиги ҳамда тортув ва ўлчов жиҳозларининг аҳволи;
- материалларининг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби (омборхона ҳисобининг юритилиши).

Инвентаризация ўзининг моҳияти, усули ва қамрови бўйича қуйидагича гуруҳданади:

- ❖ текшириш ҳажмининг қамрови бўйича:

- ёппасига-объект ҳар томонлама ва толиқ текширилади;
- танланма-объектнинг асосий кўрсаткичлари танлаб олиб текширилади;
 - ❖ ўтказиш вақтига қараб:
- режали-субъект томонидан тузилган режага асосан (йилда бир марта) ўтказилади;
- кутилмаган ҳолда, жавобгар шахс кутмаган ҳолда шикоят тушганда ва хоказо ўтказилади.

Инвентаризацияни ўтказиш устидан умумий раҳбарлик корхонанинг раҳбари ёки унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади. Буйруққа асосан тузилган инвентаризация комиссиясига ишончли мутахассислар жалб қилинади ва натижасини (далолатномани) раҳбар тасдиқлайди. Инвентаризация комиссияси ўтказиш даврига бухгалтернинг ҳисоб маълумотларига асосланган ҳолда материаллар инвентаризация рўйхатини омборлар бўйича (инв-3) тузади. Уни ўтказиш вақтида омбор мудирини томонидан материаллар қабул қилиш ва чиқариш таъқиқланади, у инвентаризация комиссиясига ҳамма ҳужжатлардаги маълумотлар омборхона ҳисобидаги тегишли карточкаларга ўтказилганлиги ва бухгалтерияга топширилганлиги тўғрисида тилхат беради.

Инвентаризациянинг натижаларини аниқлаш учун материаллар қолдиқларини ҳисобга олувчи дафтардан фойдаланиш мумкин, чунки унда инвентаризациянинг натижаси бўйича тузилган руйхатга асосан жисмоний кўринишдаги материаллар қолдигини қайд қилувчи махсус устун мавжуд.

Инвентаризация натижасида аниқланган фарқлар-ортиқча ёки камомад, таққослаш қайдномасини тузиш натижасида ҳақиқий таннархда ҳужжатлаштирилади.

Ортиқча деб топилган материаллар тегишли счётларда кирим қилинади, дебет 1000, 1100, 1200, 2900 ва давр сарфлари камайтирилади, яъни муомалавий даромадлар сифатида тегишли 9390- "Бошқа муомалавий даромадлар" счётининг кредитида кўрсатилади. Материаллар камомади эса тегишли счётларнинг кредитидан 9433- "Кийматликларнинг камомади ва

бузилиши натижасидаги йуқотишлар" счётининг дебетига олиб борилади. Кейинчалик инвентаризация комиссиясининг қарори раҳбар томонидан тасдиқлангандан кейин ёки жавобгар шахс зиммасига олиб борилади, давр сарфи сифатида 9433 счётнинг дебет томонида қолади (агар ушбу суммани корхона ўз зиммасига олса).

Ушбу ҳолатни чуқурроқ ўрганиш мақсадида қуйидаги мисолни келтирамиз:

«Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ раҳбари А.Норматовнинг 2014 йил 6 январдаги 2/1 и/ч-сонли «Корхона товар моддий бойликларини санокдан ўтказиш тўғрисида» ги буйруғига асосан, 2013 йил якуни бўйича корхонада мавжуд товар моддий бойликларини санокдан ўтказиш мақсадида марказий омбор мудирини Б.Розиқуловнинг жавобгарлигидаги ёрдамчи ва бутловчи материаллар инвентаризациядан ўтказилди.

Инвентаризация натижасида қуйидагилар аниқланди:

3-жадвал

№	Материаллар номи (тури, нави, гуруҳи ва хоказо)		Ўл- чов бир- лиги	Баҳоси, сум	Ҳисоб маълумотлари		Инвентаризация маълумотлари	
					миқдор	сумма	миқдор	сумма
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Ариометр		дона	270076,76	1	270076,76	1	270076,76
2	Вал	3кв- 10в	дона	1901,58	1	1901,58	1	1901,58
3	Диск	ЧХ	дона	190721,40	2	381442,24	2	381442,24
4	Маномерт	.0600	дона	14165,00	2	28330	3	42495
5	Маномерт	.0400	дона	13937,00	3	41811	2	27874
	Жами					723561,68		723789,68
Тартиб рақамлар сони			<u>Беш</u>					
Жами сумма			<u>Етти юз йигирма уч минг етти юз саксон тўққиз сўм, эллик саккиз тийин</u>					
Комиссия раиси: раҳбар муовини			_____			П.Ибрагимов		
Комиссия аъзолари: бухгалтер			_____			И.Жабборов		
Касаба қўмитаси раиси			_____			С.Розиқов		
<p>Ушбу инвентаризация руйхатида келтирилган 1дан 5 гача бўлган моддий қийматликлар менинг иштирокида текширилди ва қайд қилинди. Инвентаризация комиссиясига эътирозим йук.</p> <p>Марказий омбор мудирини _____ Б.Розиқулов</p>								

Марказий омборни инвентаризация қилиш якунига кўра далолатнома (айрим ҳолларда "Таққослаш қайдномаси") тузилади.

Келтирилган воқеанинг натижаларига кўра далолатномада қийматликларнинг баҳолари ўртасидаги фарқ бўйича камомад кўрсатилади, яъни .0600 манометр ўрнига .0400 манометри омборхонадан чиқарилган.

Натижада .0400 манометр бўйича камомад 13937 сўм ва .0600 бўйича ортиқчалик 14165 сўмни ташкил қилган. Натижада баҳолар ўртасидаги фарқ 228 сўмни ташкил қилади.

Ушбу баҳолар ўртасидаги фарқнинг суммаси камомад сифатида жавобгар шахснинг зиммасига олиб борилиши лозим,

Дт: 4730 «Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»

Кт: 9390 «Бошқа муомалалардан олинган фойда».

Тузилган далолатнома тегишли қарор қабул қилиш ва имзо қўйиш учун корхонанинг раҳбарига берилади.

3-БОБ. «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ нинг материаллар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили.

3.1. Материаллар қайтимининг омилли таҳлили.

Материаллардан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичи бўлиб, материаллар қайтими коэффиценти ҳисобланади. Унинг таҳлили ҳисобот йилидаги коэффицентини базис йилидаги коэффицентига ёки режа бўйича кўзда тутилган коэффицентига солиштириб ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{ЯМ_1}{МХ_1} - \frac{ЯМ_0}{МХ_0} = \pm \Delta_{ЯМ,МХ} \quad (5)$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, материаллар қайтимининг ўзгаришига бевосита икки омил таъсир қилади:

1. Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариши;
2. Моддий (материал) харажатлар ҳажмининг ўзгариши.

Булар бирламчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Ушбу омилларнинг материаллар қайтимининг ўзгаришига таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқлаш зарур.

Материаллар қайтимининг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлашдан олдин «шартли материаллар қайтими» коэффицентини аниқлаб олиш зарур. Буни аниқлаш учун ҳисобот йилида етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажмини ($ЯМ_1$) базис йилидаги (ёки режадаги) харажатлар ҳажмига ($МХ_0$) бўлмоқ керак:

$$КМК_{ш} = \frac{ЯМ_1}{МХ_0} \quad (6)$$

Шундан сўнг омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

Материаллар қайтимининг ўзгаришига биринчи омил – ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шартли материаллар қайтими коэффицентидан базис давридаги (режадаги) материаллар қайтими коэффицентини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{ЯМ_1}{МХ_0} - \frac{ЯМ_0}{МХ_0} = \pm \Delta_{ЯМ} \quad (7)$$

Материаллар қайтимининг ўзгаришига иккинчи омил – моддий харажатлар ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги материаллар қайтими коэффицентидан шартли материаллар қайтими коэффицентини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{ЯМ_1}{МХ_1} - \frac{ЯМ_0}{МХ_0} = \pm \Delta_{МХ} \quad (8)$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси материаллар қайтими коэффицентининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{ЯМ,МХ} = \Delta_{ЯМ} \pm \Delta_{МХ} \quad (9)$$

Юқорида келтирилган формулалардан фойдаланиб, «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ молиявий ҳисоботлари асосида материаллар қайтимининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

4-жадвал

Пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича материаллардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар.

№	Кўрсаткичлар	2013	2014	Ўзгариши (+,-)
1	Пахта толаси(<i>q</i>), тонна	6421	6356	-65
2	Ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	17534345	17753036	218691
3	1 т. пахта толаси (<i>P</i>), минг сўм	2754	3326	572
4	Сарф бўлган материаллар 1 т. нинг қиймати (<i>Z</i>), сўм:			
	• пахта хом ашёси	2427,3	2485,71	58,41
	• ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	28,1	28,78	0,68
	• ёкилги	3,62	3,7	0,08
	• энергия ресурслари	27,56	28,22	0,66
5	Пахта ялпи маҳсулоти (<i>q</i> x <i>P</i>), минг сўм	17683434	21140056	3456622
6	Сарф бўлган моддий харажатларнинг жами қиймати (<i>q</i> x <i>Z</i>), минг сўм	15966316	16185007	218691
	• пахта хом ашёси	15585713	15799191	213478

	<ul style="list-style-type: none"> • ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар 	180425	182897	2472
	<ul style="list-style-type: none"> • ёкилги 	23224	23542	318
	<ul style="list-style-type: none"> • энергия ресурслари 	176953	179377	2424
7	Шартли ялпи маҳсулот ҳажми ($q_1 P_0$), минг сўм	x	19441789	x

Ушбу маълумотлар асосида материаллар қайтими коэффициентларини ҳисоблаб оламиз.

$$\text{Базис йили учун} \quad \text{КМК}_0 = \frac{\text{ЯМ}_0}{\text{МХ}_0} = \frac{17683434}{15966316} = 1,11 \text{ сўм}$$

$$\text{Шартли материаллар қайтими} \quad \text{КМК}_{\text{ш}} = \frac{\text{ЯМ}_1}{\text{МХ}_0} = \frac{21140056}{15966316} = 1,32 \text{ сўм}$$

$$\text{Ҳисобот йили учун} \quad \text{КМК}_1 = \frac{\text{ЯМ}_1}{\text{МХ}_1} = \frac{21140056}{16185007} = 1,31 \text{ сўм}$$

Ушбу маълумотлар асосида материаллар қайтими ўзгаришининг омилли таҳлили амалга оширилди, натижасини 5-жадвалдан кўриш мумкин.

5-жадвал

Материаллар қайтимининг омилли таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилидаги ЯМ ҳажми ва базис йили МХ ҳажми бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Ш.ж. ўзгариши	
						Ялпи маҳсулот ҳажми ҳисобига	Моддий харажатлар ҳажми ҳисобига
1.	Ялпи маҳсулот, минг сўм	17683434	21140056	21140056	3456622	x	x
2.	Моддий харажатлар, минг сўм	15966316	15966316	16185007	218691	x	x
3.	Материаллар қайтими, сўм	1,11	1,32	1,31	0,20	0,21	-0,01

5 – жадвалдан маълумки, материаллар қайтими (1 сўмлик харажат ҳисобига олинган маҳсулот ҳажми) ҳисобот йилида базис йилига нисбатан

0,20 сўмга ёки 17,9 % га кўпайган. Демак, материаллардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам кўпайган.

Ушбу ўзгариш икки омил таъсири остида юзага келган:

1-омил – ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини таъсири:

$$\frac{ЯМ_1}{МХ_0} - \frac{ЯМ_0}{МХ_0} = \frac{21140056}{15966316} - \frac{17683434}{15966316} = 1,32 - 1,11 = +0,21 \text{ сўм}$$

Демак, ялпи маҳсулот ҳажмининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 3456622 минг сўмга ошиши натижасида материаллар қайтими даражаси 0,21 сўмга ошган. Бошқача айтганда 1 сўмлик материал харажатлари ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми 0,21 сўмга кўпайган.

2-омил – моддий (материал) харажатлар ҳажмининг ўзгаришини таъсири:

$$\frac{ЯМ_1}{МХ_1} - \frac{ЯМ_1}{МХ_0} = \frac{21140056}{16185007} - \frac{21140056}{15966316} = 1,31 - 1,32 = -0,01 \text{ сўм}$$

Демак, ҳисобот йилидаги моддий харажатлар ҳажми базис йилидаги моддий харажатлар ҳажмига нисбатан 218691 минг сўмга ошиши материаллар қайтими даражасига салбий таъсир қилиб, уни 0,01 сўмга камайишига сабабчи бўлган.

Ушбу маълумотлардан малумки, материаллар қайтими даражасини ошириш учун моддий харажатлар ҳажмини кескин камайтириш чораларни кўриш зарур.

3.2. Корхонада материаллар сиғимининг омилли таҳлили.

Материаллардан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, материаллар сиғими ҳисобланади.

Материаллар сиғими кўрсаткичини ўрганиш асосида фаолиятда мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаш ва истеъмол қилинган материалларнинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиш хўжаликнинг иқтисодиётини мустаҳкамлашга маълум даражада ижобий

таъсир қилади. Шунинг учун материаллар сиғими даражасини узлуксиз равишда ўрганиш, омилли таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Материаллар сиғимининг таҳлили ўзаро қиёслашдан бошланади, яъни ҳисобот йилидаги материаллар сиғими кўрсаткичини базис йилидаги (ёки режадаги) материаллар сиғими кўрсаткичига солиштириб, умумий ўзгариши аниқланади.

$$\frac{MX_1}{ЯМ_1} - \frac{MX_0}{ЯМ_0} = \pm \Delta_{ЯМ, МХ} \quad (10)$$

Шундан сўнг ўзгаришининг сабаблари омиллар таъсирини ҳисоблаш орқали аниқланади. Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил ҳисобига содир бўлади:

1. Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариши;
2. Моддий харажатлар ҳажмининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсири аниқлаганга қадар материаллар сиғимини ифодаловчи қуйидаги уч боғланиш кўрсаткичи аниқлаб олинса, таҳлилни амалга ошириш қулайроқ бўлади:

I. Базис давридаги материаллар сиғими кўрсаткичи (ёки режалаштирилган материаллар сиғими):

$$КМС_0 = \frac{MX_0}{ЯМ_0} \quad (11)$$

II. Шартли материаллар сиғими кўрсаткичи

$$КМС_{ш} = \frac{MX_0}{ЯМ_1} \quad (12)$$

III. Ҳисобот йилидаги материаллар сиғими кўрсаткичи

$$КМС_1 = \frac{MX_1}{ЯМ_1} \quad (13)$$

Шундан кейин материаллар сиғими кўрсаткичининг ўзгаришига омиллар таъсири аниқланади:

1-омил – Ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш:

$$\text{II-I} \quad \frac{MX_0}{ЯМ_1} - \frac{MX_0}{ЯМ_0} = \pm \Delta_{ЯМ} \quad (14)$$

2-омил – Моддий (материал) харажатлар ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш:

$$\text{III-II} \quad \frac{MX_1}{ЯМ_1} - \frac{MX_0}{ЯМ_1} = \pm \Delta_{MX} \quad (15)$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси материаллар сиғими кўрсаткичининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{ЯМ} \pm \Delta_{MX} = \Delta_{ЯМ, MX} \quad (16)$$

Шундан кейин ҳар бир омил таъсирига баҳо берилиб, умумий хулоса қилинади.

Энди, юқорида келтирилган ҳисобот материаллари асосида материаллар сиғимининг таҳлилини кўриб чиқамиз. Бунинг учун аввало қуйидаги уч боғланиш кўрсаткичини аниқлаб олиш керак:

$$\text{I.} \quad \frac{MX_0}{ЯМ_0} = \frac{15966316}{17683434} = 0,90 \text{ сўм ёки } 90 \text{ тийин}$$

$$\text{II.} \quad \frac{MX_0}{ЯМ_0} = \frac{15966316}{21140056} = 0,76 \text{ сўм ёки } 76 \text{ тийин}$$

$$\text{III.} \quad \frac{MX_0}{ЯМ_0} = \frac{16185007}{21140056} = 0,77 \text{ сўм ёки } 77 \text{ тийин}$$

Шундан кейин материаллар сиғимининг умумий ўзгариши ва унга омиллар таъсири аниқланади:

Материаллар сиғимининг умумий ўзгариши:

$$\text{III-I.} \quad \frac{MX_1}{ЯМ_1} - \frac{MX_0}{ЯМ_0} = 77 - 90 = -13 \text{ тийин}$$

Демак, материаллар сиғими ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 13 тийинга камайган, яъни 1 сўмлик ялпи маҳсулот учун қилинган харажат ҳажми базис йилида 90 тийинни, ҳисобот йилида эса 77 тийинни ташкил қилган, натижада 1 сўмлик ялпи маҳсулот ҳисобига қилинган харажат ҳисобот йилида 13 тийинга камайган.

Материаллар сиғимининг ўзгаришига 1-омил – ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шартли материаллар сиғими (II-боғланиш) кўрсаткичидан базис давридаги материаллар сиғими (I-боғланиш) кўрсаткичини чегириб ташлаш керак.

$$\text{II-I. } \frac{MX_0}{ЯМ_1} - \frac{MX_0}{ЯХ_0} = \frac{15966316}{21140056} - \frac{15966316}{17683434} = 0,76 - 0,90 = -0,14 \text{ сўм}$$

Демак, ҳисобот йилида ялпи маҳсулот ҳажмининг кескин ошиши материаллар сиғими даражасининг 14 тийинга пасайишига сабабчи бўлган.

Материаллар сиғимининг ўзгаришига 2-омил – моддий харажатлар ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги материаллар сиғими (III-боғланиш) кўрсаткичидан шартли материаллар сиғими (II-боғланиш) кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$\text{III-II. } \frac{MX_1}{ЯМ_1} - \frac{MX_0}{ЯХ_1} = \frac{15966316}{21140056} - \frac{16185007}{21140056} = 0,77 - 0,76 = -0,01$$

Демак, моддий (материал) харажатлар ҳажмининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан кескин ошиши материаллар сиғими даражасини 0,01 тийинга пасайишига сабабчи бўлган.

Материаллар сиғими бир омилнинг ижобий, иккинчи омилнинг салбий таъсири остида ўзгариб, пировард натижада 13 тийинга ошган, натижада материаллардан фойдаланиш самарадорлиги 117 % га ошган ($90 : 77 \times 100 = 117 \%$).

Юқорида материаллар сиғимининг ўзгаришига биринчи тартибли омиллар таъсирининг таҳлилини кўриб чиқди. Энди, иккинчи тартибли омилларнинг таъсирини кўриб чиқамиз.

Материаллар сиғимининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг ўзи ҳам иккиламчи омиллар таъсири остида ўзгаради. Масалан, ялпи маҳсулот ҳажми бирламчи омил тариқасида ўз навбатида қуйидаги икки омил таъсири остида ўзгаради:

1. Маҳсулот миқдорининг (q) ўзгариши;
2. Маҳсулот бир бирлиги баҳосининг (p) ўзгариши.

Шу икки омил кўпайтмаларининг йиғиндиси ялпи маҳсулот ҳажмига тенг бўлади:

$$q \cdot p = ЯМ \quad (17)$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси эса ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига тенг бўлади. Материаллар сиғими ўзгаришига таъсир

килувчи моддий харажатлар (МХ) ҳажмининг ўзгариши ўз навбатида қуйидаги икқиламчи омиллар таъсири остида ўзгаради:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулот физик миқдорининг (q) ўзгариши;
2. Бир бирлик (1т) ҳар бир материал қийматининг ўзгариши (Z).

Шу уч омил кўпайтмаларининг йиғиндиси моддий харажатлар ҳажмига (суммасига) тенг бўлади:

$$\Sigma MX = \Sigma q \times Z \quad (18)$$

Шу омиллар таъсирларининг йиғиндиси эса моддий харажатлар ҳажмининг ўзгаришига тенг бўлади.

Демак, материаллар сифими коэффициентини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$KMC = \frac{\Sigma q \times Z}{\Sigma qP} \quad (19)$$

Ушбу формуладан кўришиб турибдики, материаллар сифими даражасининг ўзгаришига қуйидаги иккинчи тартибли омиллар таъсир қилади:

1. Маҳсулотлар миқдори ва таркибий тузилишининг ўзгариши;
2. Маҳсулот бир бирлиги баҳосининг ўзгариши;
3. Бир-бирлик маҳсулот учун сарфланган материал харажатлар миқдорининг ўзгариши;
4. Истеъмол қилинган бир- бирлик материаллар қийматининг (нархининг) ўзгариши.

Материаллар сифимининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқлаш зарур. Бунинг учун аввало қуйидаги боғланиш кўрсаткичлари ҳисоблаб олиниши керак:

$$I. KMC_0 = \frac{\Sigma q_0 X_0 Z_0}{\Sigma q_0 P_0} - \text{базис йилидаги материаллар сифими}$$

$$II. KMC_{ш1} = \frac{\Sigma q_1 X_0 Z_0}{\Sigma q_1 P_0} - \text{биринчи шартли материаллар сифими}$$

$$III. KMC_{ш2} = \frac{\Sigma q_1 X_1 Z_0}{\Sigma q_1 P_1} - \text{иккинчи шартли материаллар сифими}$$

IV. $KMC_{ш3} = \frac{\Sigma q_1 X_1 Z_0}{\Sigma q_1 P_1}$ – учинчи шартли материаллар сиғими

V. $KMC_1 = \frac{\Sigma q_1 X_1 Z_1}{\Sigma q_1 P_1}$ – ҳисобот йилидаги материаллар сиғими

Ушбу кўрсаткичлар асосида жами маҳсулот бўйича материаллар сиғимининг таҳлили амалга оширилади. Биринчи навбатда, материаллар сиғимининг умумий ўзгариши, сўнгра омилларнинг таъсири аниқланади.

Материаллар сиғими кўрсаткичининг умумий ўзгаришини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги материаллар сиғими кўрсаткичидан (V- боғланиш) базис йилидаги (ёки режадаги) материаллар сиғими кўрсаткичини (I- боғланиш)ни чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\Sigma q_1 X_1 Z_1}{\Sigma q_1 P_1} - \frac{\Sigma q_0 X_0 Z_0}{\Sigma q_0 P_0} = \pm \Delta_{qpxz} \quad (20)$$

Бу ўзгариш барча омиллар таъсири остида юзага келганлигини ифодалайди.

Материаллар сиғими даражасининг ўзгаришига омилларнинг таъсири қуйидаги кетма-кетлик бўйича аниқланади.

1-омил – маҳсулот миқдори ва таркибий тузилиши ўзгаришининг материаллар сиғими даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун 1- шартли материаллар сиғими кўрсаткичидан (II- боғланишдан) базис йилидаги (ёки режадаги) материаллар сиғими кўрсаткичини (I-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\Sigma q_1 X_0 Z_0}{\Sigma q_1 P_0} - \frac{\Sigma q_0 X_0 Z_0}{\Sigma q_0 P_0} = \pm \Delta_q \quad (21)$$

2-омил – маҳсулот бир бирлиги баҳоси ўзгаришининг материаллар сиғими даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун иккинчи шартли материаллар сиғими кўрсаткичидан (III-боғланишдан) биринчи шартли материаллар сиғими кўрсаткичини (II- боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\Sigma q_1 X_0 Z_0}{\Sigma q_1 P_1} - \frac{\Sigma q_1 X_0 Z_0}{\Sigma q_1 P_0} = \pm \Delta_p \quad (22)$$

3-омил – бир-бирлик маҳсулот учун сарфланган материал харажатлар миқдори ўзгаришининг материаллар сифими кўрсаткичининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун учинчи шартли материаллар сифими кўрсаткичидан (IV-боғланишдан) иккинчи шартли материаллар сифими кўрсаткичини (III-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\Sigma q_1 X_1 Z_0}{\Sigma q_1 P_1} - \frac{\Sigma q_1 X_0 Z_0}{\Sigma q_1 P_1} = \pm \Delta_X \quad (23)$$

4-омил – истеъмол қилинган бир бирлик материаллар қиймати ўзгаришининг материаллар сифими даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот давридаги материаллар сифими кўрсаткичидан (V-боғланишдан) учинчи шартли материаллар сифими кўрсаткичини (IV-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\Sigma q_1 X_1 Z_1}{\Sigma q_1 P_1} - \frac{\Sigma q_1 X_1 Z_0}{\Sigma q_1 P_1} = \pm \Delta_Z \quad (24)$$

Ушбу тўрт омил таъсирларининг йиғиндиси жами маҳсулот бўйича материаллар сифими даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак.

$$\Delta_q \pm \Delta_P \pm \Delta_X \pm \Delta_Z = \pm \Delta_{qpxz} \quad (25)$$

Шундан сўнг ҳар бир омилнинг таъсирига баҳо берилиб, хулоса қилинади.

Материаллар сифими даражасини пасайтириш учун қуйидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш зарур:

1. Сарфланган материал ресурслар миқдорини тежаш чораларини кўриш зарур.
2. Материал ресурсларни арзонроқ нархларда сотиб олиш чораларини кўриш зарур.
3. Маҳсулотларни сотиш баҳосини янада ошириш чораларни кўриш зарур. Сотиб олиш баҳосининг ўсиш даражаси сотиб олинаётган материаллар

нархининг ўсиш даражасидан юқори бўлмаса, материаллардан фойдаланиш даражаси албатта пасаяди.

3.3. Корхонада материаллар ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг таҳлили.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан истеъмол қилинган материаллар ва улардан фойдаланиш даражаси орасида бевосита функционал боғлиқлик мавжуд. Ушбу боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$ЯМ = МХ \cdot МҚ \quad (26)$$

Бунда, ЯМ – ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот суммаси (ҳажми);

МХ – ишлаб чиқаришга сарфланган моддий харажатлар (ресурслар) ҳажми;

МҚ – материаллар қайтими кўрсаткичи.

Ушбу формуладан кўришиб турибдики, ялпи маҳсулот ҳажми (ЯМ) сарф бўлган материаллар ҳажми (МХ) билан материаллар қайтими кўрсаткичи (МҚ) кўпайтмаларининг йиғиндисига тенг. Демак, ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига шу икки омил бевосита таъсир қилади:

- 1) моддий харажатлар ҳажмининг ўзгариши;
- 2) материаллар қайтими даражасининг ўзгариши

Ушбу омилларнинг ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирини «Занжирли боғланиш», «Кўрсаткичлар фарқи» усулларида фойдаланиб, аниқлаш мумкин.

Биз бу ерда омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқладик. Бунинг учун аввало, ялпи маҳсулотни ифодаловчи учта боғланиш кўрсаткичи ҳисоблаб олинади:

I. $МХ_0 \cdot МҚ_0$ – базис даврида етиштирилган ялпи маҳсулот;

II. $МХ_1 \cdot МҚ_0$ – шартли ялпи маҳсулот;

III. $МХ_1 \cdot МҚ_1$ – ҳисобот даврида етиштирилган ялпи маҳсулот.

Шундан кейин ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини ва унга омилларнинг таъсирини аниқлаш мумкин.

Ҳисобот йилидаги ялпи маҳсулот ҳажмидан (III-боғланишдан) базис йилидаги (ёки режа бўйича кўзда тутилган) ялпи маҳсулот ҳажмини (I-

боғланишни) чегириш орқали ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариши аниқланади:

$$(MX_1 \cdot MK_1) - (MX_0 \cdot MK_0) = \pm \Delta_{MX, MK} \quad (27)$$

Шартли ялпи маҳсулот ҳажмидан (II-боғланишдан) базис даврида етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажмини (I-боғланишни) айириш орқали ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига материаллар ҳажми ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$(MX_1 \cdot MK_0) - (MX_0 \cdot MK_0) = \pm \Delta_{MX} \quad (28)$$

Ҳисобот даврида етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажмидан (III-боғланишдан) шартли ялпи маҳсулот ҳажмини (II-боғланишни) айириш орқали ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига материаллар қайтими ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$(MX_1 \cdot MK_1) - (MX_1 \cdot MK_0) = \pm \Delta_{MK} \quad (29)$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Шундан кейин ҳар бир омил таъсирига баҳо берилади ва хулоса қилинади.

Энди, ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига омиллар таъсирларининг таҳлилига тўхталамиз. Буни 6-жадвалдан кўриш мумкин:

6-жадвал

Ялпи маҳсулотнинг ўзгаришига материаллар ҳажми ва материаллар қайтими таъсирининг омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилидаги материаллар ҳажми ва базис йилидаги материаллар қайтими бўйича	Ҳисобот йили	ўзгариши (+,-)	Ш.ж. ўзгариши	
					Моддий харажатлар ҳажми ўзгариши ҳисобига	Материаллар қайтими ўзгариши ҳисобига
1. Моддий (материал) харажатлар ҳажми, минг сўм	15966316	16185007	16185007	218691	х	х
2. Материаллар қайтими, сўм	1,11	1,11	1,31	0,20	х	х
3. Ялпи маҳсулот, минг сўм	17683434	17965358	21140056	3456622	281924	3174698

Ялпи маҳсулот ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 3456622 минг сўмга кўпайган.

$$(MX_1 \cdot MK_1) - (MX_0 \cdot MK_0) = (16185007 * 1,31) - (15966316 * 11,1) = 21140056 - 17683434 = + 3456622 \text{ минг сўм}$$

Ушбу ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлган.

1-омил – моддий харажатлар ҳажми ўзгаришининг таъсири. Моддий харажатлар ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 218691 минг сўмга ошган, натижада шу омил ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажми 281924 минг сўмга кўпайган:

$$(MX_1 \cdot MK_0) - (MX_0 \cdot MK_0) = (16185007 * 1,11) - (15966316 * 11,1) = 17965358 - 17683434 = + 281924 \text{ минг сўм}$$

Демак, моддий харажатлар ҳажмининг ошиши ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажми 281924 минг сўмга ошган.

2-омил – материаллар қайтими ўзгаришининг таъсири. Материаллар қайтими ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 0,20 сўмга кўпайган, натижада шу омил ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажми 3174698 минг сўмга кўпайган:

$$(MX_1 \cdot MK_1) - (MX_1 \cdot MK_0) = (16185007 * 1,31) - (16185007 * 11,1) = 21140056 - 17965358 = + 3174698 \text{ минг сўм}$$

Ушбу таҳлилий маълумотлардан кўришиб турибдики, ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига иккала омил ҳам ижобий таъсир қилган. Ялпи маҳсулот ҳажмини кескин ошириш учун материаллар қайтими даражасини кескин ошириш чораларини кўриш керак.

4-БОБ. Экологик қисм.

4.1. «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ да экологик таҳлил.

Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи бир қанча аспектлар, яъни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳаларда кўриб чиқилмоқда. Чунки экология, иқтисод, атроф-муҳит, жамият ва бухгалтерия ҳисоби ўзаро боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби ва бухгалтерия соҳаси атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳисса қўшишлари шарт ва зарур. Микро ва макро кўламда тузилаётган ҳар бир лойиҳалар экологик мувозанатга таъсири мустақил экологик аспектлар томонидан баҳоланиши шарт. Агар тижорат лойиҳалари экологик мувозанатга салбий таъсир этса, бундай лойиҳалар молиялаштирилмайди. Шу билан бирга давлат томонидан экологияни яхшилашга қаратилган нотижорат лойиҳалари ишлаб чиқилади. Бундай лойиҳаларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Халқаро нодавлат ташкилотлари, мисол учун, ЭКОСАН каби ташкилотлар маълум грант лойиҳаларини амалга оширади. Умуман олганда, экологик лойиҳалар грантлар, давлат бюджети ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига амалга ошрилади. Инвестиция лойиҳалар ҳам экологик таҳлилдан ўтказилиши талаб этилади. Агар лойиҳада экологик вазиятга (сувга, ҳавога, ўсимлик дунёсига ва бошқаларга) таъсир этувчи технология ёки асбоб-ускуналар бўлса, уларнинг экологияга таъсирини йўқотиш учун қўшимча лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилади. Мисол учун, оддий транспорт воситаларидан фойдаланишни кўпайтириш янги трассалар қуришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида ландшафтнинг ўзгариши, аҳоли оқимининг ошишига олиб келади. Айрим ҳолларда шу жойнинг табиатига салбий таъсир кўрсатади.

Экологик таҳлилнинг асосий вазифаси лойиҳа натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал зарарни олдиндан белгилаш ва унинг

таъсирини юмшатиш ёки батамом тугатиш йўллари топишдир. Бу жараён лойиҳада кўзда тутилган натижаларга салбий таъсир кўрсатиши керак эмас. Ташқи муҳит «табiiй капитал бўлиб», у иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради. Нотўғри режалаштирилган лойиҳалар эса унинг бузилишига, миллий капиталнинг емирилишига олиб келиши мумкин.

Экологик бошқаришнинг вазифаси аҳолининг табiiй таъсирларга бўлган талаби билан атроф-муҳитнинг шу талабни қондира олиш имкониятлари орасидаги мувозанатни (балансни) топишдан иборат. Лойиҳаларни амалга ошириш «экологик сиғим» потенциалини камайтириши керак эмас. Лойиҳаларни амалга оширишдан олдин уларнинг атроф-муҳитга муҳим таъсирларини белгилаш, лойиҳалар таъсири асосида муҳит бузилиб кетгандан кейин уни ўз ҳолига келтиришдан афзалроқдир.

Шунинг учун ҳар қандай лойиҳанинг экотизимга келтирадиган салбий оқибатларини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Агар лойиҳа экотизимга меъёрдан юқори салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, уни янгидан кўриб чиқиш, шундан кейин ҳам вазият ўзгармаса, ундан воз кечиш зарур. Экотизим битта давлат ҳудудидаги муаммо эмас, балки унинг ўзгариши бутун ер шарига таъсир кўрсатади. Шунинг учун экотизим таҳлил қилинганда бир мамлакат манфаатларидангина келиб чиқиш керак эмас.

Пахта тозалаш корхоналарида бошқа корхоналар қатори инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Улардаги ишлаб чиқариш жараёни атроф-муҳит ҳавоси зарарли чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда бу салбий натижаларни самара натижалари билан таққослаш ва бу нисбатни чуқур таҳлил қилиш зарур ҳисобланади.

Пахта тозалаш корхонасининг бош бинонида ажралиб чиқадиган чанг асосан 3 та фракциядан иборат:

- ифлос заррачалар ғўзанинг майдаланган бўлаклари;

- толали ва минерал заррачалар (минерал заррачалар пахтага тупроқ орқали ўтади);
- пахтани қайта ишлаш вақтида ундан ажралиб чиқадиган чангнинг ифлос ва толали заррачалари.

Атмосферага чиқариладиган барча ишланган ҳаво технологик машина-ускуналардан, иккинчиси-чангсизлантириш системаларидан чиқади. Пахта тола, момик ва ишлаб чиқариш чиқиндилар ҳавони чиқариш бўйича асосий участка ҳисобланади. Ҳаво транспорти қурилмалари ортиш-ташиш ишларини, чигит ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини етказиб беришни механизациялаш учун ишлатилади. Сўрувчи типдаги ҳаво транспорти пахтани ғарамдан қуритиш тозалаш цехига узатади. Пахта тозалаш цехларининг лойиҳалашига кўра 2 та ёки 3 та қайта юклаш пунктларига эга бўлади, улар мустақил чанг манбалари ҳисобланади. Бу пунктлардаги чангланганлик энг юқори 1200-1500 мг/м³. Юқори намликдаги паст навли пахтани қайта ишлашда қуритилгандан кейин уни ташишда чангнинг кўплаб ажралиб чиқиши кузатилади. Пахта пневмотранспортти тизимидан чиқаётган чангда майда дисперсли заррачалар кўпроқ бўлади, бу кейинги вақтларда кўпроқ юз бермоқда, майда чангнинг бир қисми нам тола массаси билан қолади ва толани ташийдиган ҳавога ажралиб чиқмайди.

Пневмотранспорт тизимларидаги ҳаво сарфи 5-6 м³/с. тола олишда ва уни тозалагич орқали конденсорга пневмотранспортда ташишида чангланган ҳаво сарфи 8-11,5 м³/сга етади. Конденсордан чиқаётган ҳаводаги чанг 10-15% толали заррачалардан иборат.

Чанг тозалагичлар ва филтрларнинг асосий турлари

Ҳавони чангдан тозалайдиган ускуналар чанг тутгичлар ва филтрлар деб аталади.

Ҳавони куруқ усулда тозалашда: чанг ўтирадиган камералар, циклонлар, турли матоли ва рулон филтрлардан фойдаланилади.

Чанг ўтирадиган камералар. Булар энг содда тузилишдаги чанг ўтиргичлардир. Уларнинг ишлаши чанг заррачаларининг ўз оғирлиги таъсирида ўтиришига асослангандир. Уларнинг самарадорлиги 50-55 % ҳисобланади.

Циклонлар. Марказдан қочма кучлар таъсирида ишлайдиган чанг ажраткичларга киради. Чангли ҳаво циклон ичида айланма ҳаракатда бўлади. энг самарали циклон – бу конусли циклонлардир. Уларнинг самарадорлиги 88-90 % ҳисобланади.

Енгсимон фильтрлар. Бундай матоли фильтрларнинг икки тури: рамли ва енгсимон хиллари бўлади.

Енгли фильтрлар - бир учи берк баландлиги 2-3 м бўлган цилиндрсимон ёки конуссимон мато енглари гуруҳидан ташкил топади. Самарадорлиги 97-99 %дир.

Қуюнли чанг ушлагич. Бу чанг ушлагичлар ишлаш принципи ҳам марказдан қочмакучларга асосланган. Уларнинг тозалаш самарадорлиги нисбатан юқори 85-93 % ва $P=1000$ Па.

Икки босқичли чанг ушлагич. Циклон-фильтр камера.

Бу мослама пахта корхоналаридаги бош бино, яъни жин ва линтер цехларидаги қурилмалардан, тола ва линт ташиш пневмотранспортларидан ажралиб чиқадиган чангли ҳавони тозалашга мўлжалланган.

Икки босқичли чанг ушлагич чангни икки босқичда, яъни циклон ва фильтр ёрдамида тозалайди.

Икки босқичли чанг ушлагич, циклон-фильтр камера қуйидагича ишлайди. Чангланган, ифлосланган ҳаво дастлаб циклонларга узатилади, бу ерда чангнинг асосий қисми ушлаб қолинади. Сўнгра фильтрнинг ишчи зонасининг юқори қисмидаги диаметри 600 мм бўлган қувурга йўналади. Шундан сўнг ҳаво мато ёрдамида фильтрланади ва шахтадан тозаланган ҳаво

атмосферага 2-4 м/с тезликда чиқиб кетади. Фильтрловчи мато юзасидаги чанглар регенирация даврига қадар йиғилади. Регенирация асосан смена тугаганда амалга оширилади. Чангларни фильтр камерадан олиб чиқиш учун шнкли транспортёрдан фойдаланилади. Фильтр камеранинг гидравлик қаршилиги қайта ишланаётган пахтанинг навигв қараб 250-400 Па атрофида ўзгариб туради. Регенирация даврида вентиляторлар ўчирилиб қўйилиши керак. Регенирациядан сўнг фильтрловчи мато деярли дастлабки ҳолатига қайтади.

Икки босқичли тозалагич циклон-фильтр камеранинг умумий самарадорлиги 99% ни ташкил этади.

Фильтр камеранинг техник характеристикаси.

Ҳаво бўйича унимдорлик, $\text{м}^3/\text{с}$.	24
Камеранинг қаршилиги, Па.	250-400
Фильтрловчи юза, м^2 .	163
Фильтрловчи матодаги юкланиш, $\text{м}^3/\text{м}^2 \text{ с}$.	600
Шнекнинг айланиш частотаси, мин^{-1} .	30
Қувват сарфи, кВт.	27,5
η , %	99

Пахта тозалаш корхоналарида ҳавони чангдан тозалайдиган ускуналар чанг тутгичлар ва фильтрларнинг мавжудлиги экологияни асрашга, аҳолини зарарланишини олдини олишга хизмат қилади. Бундай ускуналари мавжуд корхоналар экологик таҳлилни яхши йўлга қўйганликларидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакат иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида бир қанча дастурлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, пахта тозалаш саноати тармоғидаги корхоналарда замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида 2007 йил 3 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида” га 70-сонли қарор қабул қилинди [6].

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархида материаллар, хусусан пахта ҳом ашёсининг улуши катта. Шу боисдан, пахта тозалаш корхоналарида яратилаётган маҳсулотда материалларнинг улуши қандай салмоқни ташкил этиши, шунингдек, материаллар қайтими, салмоғи ва улардан фойдаланишнинг ишлаб чиқаришга таъсирини алоҳида ҳисобга олишни талаб қилади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур битирув малакавий ишини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш масалаларини атрофлича тадқиқ этиш натижасида муаллиф томонидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖда материаллардан фойдаланишнинг иқтисодий мазмуни, моҳияти чуқур таҳлил қилинди. Материаллар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобини назарий ва услубий

асослари ҳар томонлама ўрганилди, ҳамда ҳисоб регистрлари ва шаклларидан фойдаланишда, субъектнинг ҳажми (катта-кичиклиги)дан келиб чиқиб, ҳисоб юритиш тизими, яъни ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш тавсия этилди. Ушбу ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларини тузишда энг самарали бўлган усуллардан бирини танлаб олиш таклиф этилди;

2. «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ да материаллар ҳаракатини таҳлил қилишда ахборот таъминот манбаларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш ҳамда таҳлил қилишда энг қулай бўлган усуллардан бирини қўллаш бўйича фикрлар билдирилди;

3. Сарфланган материал ресурслар миқдорини тежаш чораларини кўриш бўйича таклифлар киритилди. Бунда, материаллар сиғими кўрсаткичини ўрганиш асосида фаолиятда мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаш ва истеъмол қилинган материалларнинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиш хўжаликнинг иқтисодиётини мустаҳкамлашга маълум даражада ижобий таъсир қилади. Шунинг учун материаллар сиғими даражасини узлуксиз равишда ўрганиш, омилли таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ Кодекси”. Тошкент, 2008.
4. Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 12 май 1995.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб – таомилларини тубдан қисқартириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4453 сонли фармони. 16 июль 2012.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида” га 70-сонли қарори. 3 апрел 2007.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги қарори. 21 декабр 2010.
8. «Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўз. Р. ВМ қарори, 1999.
9. Каримов И.А. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
10. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш

ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир» мавзусидаги маърузаси, 6 декабрь 2013 й.

11. Каримов И.А. 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи, 17 феврал 2014 й.

12. № 4, 19, 21 – сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.

13. ЎзРСТ 615-94 «Пахта. Техник шароитлар»

14. ЎзРСТ 642-95 «Уруғлик пахта. Техник шароитлар»

15. Вахобов А. ва бошқалар «Молиявий ва бошқарув таҳлили».-Т.: Молия, 2012 й.

16. Вахрушин А., «Финансовый анализ», М. 2004 й.

17. Исаев Р.А., Қосимов С.М. ва бошқалар «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режа». Т.: «Тафаккур» нашриёти, 2011 й.

18. Холбеков Р.О. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. -Т.: “Чўлпон” нашриёти. 2011, 200 бет.

19.

20. Хошимов А., Мажидов А. «Пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби» - Т.: «Шарқ» нашриёти, 2012 й.

21. “Пахта териш ва тайёрлаш бўйича йўриқнома”.Т.:ДИТАФ, 1994.

22. «Қорасу пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ нинг 2012-2013 йиллар бўйича молиявий ҳисоботлари маълумотлари.

23. Интернет сайтлари:

www.ziyonet.uz

www.tfi.uz

